

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЯХЁЕВА НАФИСА НУРИДДИНОВНА

**ТУРЛИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА СУВДА ЭРУВЧАН
ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

Content of the abstract of doctoral dissertation (PhD) in agricultural sciences

Яхёева Нафиса Нуриддиновна

Турли суғориш технологияларида сувда эрувчан ўғитларни қўллашнинг
ғўза ҳосилдорлигига таъсири (Самарқанд вилоятининг суғориладиган
ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида)..... 3

Яхёева Нафиса Нуриддиновна

Влияние применения водорастворимых удобрений при различных
технологиях орошения на урожайность хлопчатника (в условиях
орошаемых луговых сероземных почв Самаркандской области)..... 21

Yakhoeva Nafisa Nuriddinovna

The impact of using water-soluble fertilizers under different irrigation
technologies on cotton yields (in the irrigated meadow-sierozem soils of the
Samarkand region)..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 45

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ЯХЁЕВА НАФИСА НУРИДДИНОВНА

**ТУРЛИ СУҒОРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДА СУВДА ЭРУВЧАН
ЎҒИТЛАРНИ ҚЎЛЛАШНИНГ ҒЎЗА ҲОСИЛДОРЛИГИГА ТАЪСИРИ
(САМАРҚАНД ВИЛОЯТИНИНГ СУҒОРИЛАДИГАН ЎТЛОҚИ БЎЗ
ТУПРОҚЛАРИ ШАРОИТИДА)**

06.01.02– Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА
ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2024.1.PhD/Qx785 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа докторлик диссертацияси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Авлиякулов Мирзоолим Авазович
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Хамидов Мухаммадхон
кишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Исмаилов Жуманазар Исмаатович
кишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD),
катта илмий ходим

Етақчи ташкилот:


Тошкент давлат аграр университети


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси химояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли Илмий кенгашининг «18» 07 2024 йил соат 9-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru)


Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ 160 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника м.ф.й, ЎзПИТИ кўчаси. ПСУЕАИТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37.

Диссертация автореферати 2024 йил «3» 07 кун тарқатилди.
(2024 йил «3» 07 даги 1 рақамли реестр баённомаси.)



 Ш.Н.Нурматов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

 Ф.М.Хасанова
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, к.х.ф.н.,
профессор

 Ж.Х.Ахмедов
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, б.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда, «Пахта бўйича халқаро маслаҳат кўмитаси (ICAC) маълумотларига кўра, дунё бўйича ғўза экиладиган суғориладиган ерлар умумий ғўза майдонининг 45 % ни ташкил этиб, ушбу суғориладиган ерларнинг 45,93 % қисмида эгатлаб суғориш, 12,47% да эса томчилатиб суғориш қўлланилмоқда. Ғўзада минерал ўғитлар NPK гектарига энг юқори меъёрада қўлланиладиган давлатларга Хитой (288:184:82), Австралия (228:180:50), Бразилия (146:154:112), Ўзбекистон (180:88:46), Миср (220:51:24), Покистон (198:60:30), Туркия (150:60:20), Ҳиндистон (148:54:26), Эрон (162:25:8), Судан (127:44:8) киради»¹. Дунёда томчилатиб суғориладиган майдонларда ғўзани сувда эрувчан ўғитлар билан озиклантириш технологиясини илмий асослаш долзарб ҳисобланади.

Дунёда глобал исиш туфайли юзага келаётган аномал иссиқ ҳаво, сув дефицити пахта етиштирувчи етакчи давлатларда турли хил замонавий инновацион технологияларни ишлаб чиқиш ва амалиётда қўллаш заруриятини юзага келтирмоқда. Иқлим ўзгариши, сув етишмовчилиги ва аномал иссиқ ҳарорат муаммоларини бартараф этишда тупрокнинг ўсимлик илдиз тизими тарқалган қатламга томчилатиб суғориш ёрдамида озиқа элементларини осон ўзлаштириладиган шаклда етказиб бериш бўйича кўплаб изланишлар олиб борилмоқда. Айнан *Gossypium hirsutum* L. турига мансуб ғўзани парваришlashда ресурстежамкор томчилатиб суғориш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Республикамизнинг суғориладиган ерларида ғўза асосан эгатлаб суғорилади. Аммо, дунёнинг арид минтақа давлатлари сингари Ўзбекистонда ҳам сув танқислиги кескинлашуви натижасида сув тежовчи технологиялар, жумладан томчилатиб суғоришни жорий этиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида «...2030 йилга қадар бир гектар майдонни суғориш учун ишлатиладиган сув сарфини 20 фоизга камайтириш, иқлим ўзгариши таъсирини олдини олиш бўйича ҳаракатлар миллий режасини қабул қилиш, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш»² муҳим вазифалар сифатида белгилаб берилган. Шу боис, мамлакатимиз бўйлаб томчилатиб суғориладиган майдонлар кенгайиши сабабли ушбу майдонларда минерал ўғитларни сувда эритиб қўллаш, сув ва ўғитдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ниҳоятда долзарбдир.

¹ International Cotton Advisory Committee Cotton Databook December 2022, Washington DC, USA.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5853-сон Фармони

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли фармони «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 10 июлдаги ПФ-6024-сон «Ўзбекистон Республикасида сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари, «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144-сон қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиш доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ғўзани эгатлаб ва томчилатиб суғориш, минерал ўғит меъёрлари ва ўғитларни сувда эритиб қўллаш, ушбу омилларнинг ҳосилдорликка ҳамда тола сифатига таъсирини ўрганиш бўйича Республикамизда С.Н.Рыжов, Н.Ф.Беспалов, М.А.Белоусов, Ж.С.Сатторов, И.И.Мадраимов, Н.Н.Зеленин, Қ.М.Розиқов, Қ.М.Мирзажонов, А.Э.Авлиёқулов, Г.А.Безбородов, Б.С.Мамбетназаров, Ш.Н.Нурматов, М.Х.Хамидов, У.Н.Норқулов, Н.М.Ибрагимов, Б.М.Халиков, Б.И.Ниязалиев, А.С.Шамсиев, Б.С.Камилов, С.Ҳ.Исаев, М.А.Авлиякулов, Н.Х.Дурдиев ва хорижда Çetin, O., Luo, H., Shruti, M. Y., Steven R. Evett, K.F.Bronson, H.Wang, L. Wu, Singh, K. каби олимлар кенг қўламдаги тадқиқотлар олиб боришган.

Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги экинлари, жумладан ғўза парваришланадиган асосий майдонлар (70%) эгатлаб суғорилади. Аммо кейинги йилларда кузатилаётган глобал исиш туфайли арид минтақаларда сув тақчиллиги кескинлашуви натижасида мамлакатимизда томчилатиб суғориладиган майдонлар йил сайин кенгайиб бормоқда. Жумладан, Республикамизда умумий суғориладиган майдонларнинг 30% қисмида сув тежовчи технологиялар жорий этилган бўлса, бунда томчилатиб суғориладиган майдонлар 446,5 минг гектарни, шу жумладан ғўза экинида 253,3 минг гектарни ташкил этмоқда. Мамлакатимизда томчилатиб суғориш бўйича илмий тадқиқотлар 1960 йилларда бошланиб, 1998 йилларда юқори нуктага етиб, аммо катта майдонларда жорий этилмади. Бироқ, 2018 йилдан қабул қилинган қарорлар ва ислохотлар асосидаги ишлар жадаллашиб, томчилатиб суғориш майдонлари кенгайди. Асосий томчилатиб суғоришдаги муаммолардан бири бу минерал ўғитларни сувда эритиб қўллаш бўлиб, бу борада етарлича илмий изланишлар ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг №А-ҚХ-103 «Глобал

иқлим ўзгариши шароитида ғўза навларини янги ўғитлаш агротехнологияларини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган (2021-2023 йй.).

Тадқиқот мақсади марказий минтақа Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида турли суғориш технологияларида сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллашнинг ғўзани сув истеъмоли ҳамда ҳосилдорлигига таъсирини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

турли суғориш технологияларида сувда эрувчан минерал ўғитлар қўллашни тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хусусиятларига таъсирини аниқлаш;

турли суғориш технологияларида ғўзанинг мақбул суғориш олди тупроқ намлиги, суғориш сони, тизими, давомийлиги, оралиғи, суғориш меъёри ва мавсумий суғориш меъёрларини аниқлаш;

эгатлаб ва томчилатиб суғоришда ғўзанинг сув истеъмоли кўрсаткичларини аниқлаш;

турли суғориш технологияларида сувда эрувчан минерал ўғитлар қўллашнинг ғўзани ўсиши-ривожланиши, бир дона кўсақдаги пахта вазни ҳамда куруқ масса тўплашига таъсирини аниқлаш;

турли суғориш технологияларида анъанавий ва сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллашнинг пахта ҳосили ва тола сифат кўрсаткичларига таъсирини ўрганиш;

ғўзани эгатлаб ва томчилатиб суғоришда сувда эрувчан минерал ўғитлар билан озиклантиришнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқот объекти сифатида марказий минтақа Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари, ўрта толали С-8286 ғўза нави, эгатлаб ва томчилатиб суғориш, сувда эрувчан минерал ўғитлар олинди.

Тадқиқот предмети тупроқнинг агрофизикавий ва агрокимёвий хусусиятлари, суғориш меъёрлари, муддатлари, оралиғи, давомийлиги, сув истеъмоли, ғўзанинг озиқа элементларини ўзлаштириши, ўсиши-ривожланиши, ҳосилдорлиги, пахта толасининг сифати, эгатлаб ва томчилатиб суғориш, сувда эрувчан минерал ўғитлар бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Илмий изланишларни амалга оширишда тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий хусусиятлари таҳлиллари ва ўсимлик намуналарини олиш, фенологик кузатувлар, сув ҳисоблари ПСУЕАИТИ да қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмаларидан фойдаланилиб, олинган маълумотларнинг ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби орқали математик таҳлил қилинган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Самарқанд вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида томчилатиб суғориш технологиясида сувда эрувчан минерал ўғитларни N₁₅₀₍₂₀₀₎, P₁₀₅₍₁₄₀₎, K₇₅₍₁₀₀₎ кг/га қўллашнинг ғўзани сув истеъмоли ва

ҳосилдорлигига таъсири аниқланган;

эртапишар ғўза навлари катта майдонларда экилаётганлиги, ушбу навларнинг илдизи кучли ривожланмаганлиги боис суғоришни шоналашгача талаб этиши туфайли эртапишар С-8286 ғўза навида томчилатиб суғориш бўйича фазаларни 4 муддатда, яъни ЧДНСга нисбатан 75-75-75-70% суғориш олди тупроқ намлигида 1-2(3)-5-2 тизимда шоналашгача 1 марта, шоналаш даврида 2(3) марта, гуллаш-ҳосил тўплашда 5 марта, пишишда 2 марта суғориш мақбуллиги аниқланган;

эгатлаб суғоришда сувда эрувчан минерал ўғитларни ғўзанинг 2-4 чинбарг даврида 1 марта, шоналаш даврида 1 марта ва гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 2 марта, томчилатиб суғоришда 2-4 чинбарг даврида 1 марта, шоналаш даврида 2 марта, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 4 марта қўллаш мақбуллиги илмий асосланган;

томчилатиб суғоришда сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллаш орқали ғўзадан 52,0 ц/га пахта ҳосили олиниб, эгатлаб суғоришга нисбатан томчилатиб суғориш ҳисобига 8,4 ц/га, сувда эрувчан ўғитлар ҳисобига 7,2 ц/га қўшимча ҳосил олиш мумкинлиги исботланган;

томчилатиб суғориш ва сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллаш эвазига анъанавий, яъни ўғитни тракторда 3 маротаба қўллашдаги ЁММлари тўлиқ (100%), қатор ораларига ишлов беришда эса 30-40 % тежалишига, минерал ўғитлар сарфи 20-25 % га, томчилатиб суғоришда эгатлаб суғоришга нисбатан суғориш сувларини 45,2-49,1 % тежалиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида ўрта толали ғўзадан юқори пахта ҳосили етиштириш учун томчилатиб суғориш ва шу усул орқали сувда эрувчан ўғитларни қўллаш агротехнологияси ишлаб чиқилган. Глобал исиш туфайли юзага келаётган сув танқислиги шароитида ўрта толали ғўзадан юқори пахта ҳосили етиштиришда томчилатиб суғориш технологияси самарали эканлиги аниқланган.

Анъанавий ўғит қўллаш технологиясида фосфорли минерал ўғитларнинг йиллик меъёридан 70 % ва калийли ўғитларнинг 50 % и шудгор олдидан қўлланилади. Ушбу қўлланилган ўғитлар вегетация давригача ўсимлик ўзлаштирадиган шаклга ўтиб боради. Суғориш оддий эгатлаб амалга оширилганда минерал ўғитлар, айниқса азотли ўғитлар ҳавога учиб кетиши ёки тупроқдаги намлик танқислиги, ўғит қўллагандан кейин суғориш имконияти чекланиб қолиши ва бошқа сабаблар туфайли исрофгарчилиги ошади.

Томчилатиб суғоришда минерал ўғитларни сувда эритиб, сув билан бирга ўсимликнинг илдиз тизими тарқалган қатламга шлангларда ёпиқ ҳолда қўлланиши, ўсимлик озиқани ўзлаштириши юқори бўлиши эвазига минерал ўғитлар сарфи 20-25 % га, ЁММлари ва меҳнат харажатлари 30-40 % камайганлиги, суғориш сувлари 45,2-49,1 % тежалганлиги аниқланган.

Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан минерал ўғитларни ўсимлик осон ўзлаштирадиган шаклда ўсув даври давомида кичик меъёрларда қўлланилиши

ҳисобига анъанавий томчилатиб суғоришга (Р, К ўғитлари 100% шудгор остига қўлланиши) нисбатан ўсимликнинг ўғитни ўзлаштириши юқори бўлиб, пировардида ҳосилдорлик ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Кўп йиллик тадқиқотлардан олинган натижаларнинг математик-статистик ишловдан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг маҳаллий ва халқаро илмий-тадқиқот ишлари, улардан олинган натижалар билан қиёсий солиштирилганлиги, йиллик илмий ҳисоботларнинг институт Услугий ва Илмий кенгашларида муҳокамадан ўтказилганлиги, тадқиқот натижаларининг махсус апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланганлиги ҳамда олинган тадқиқот натижаларнинг ишлаб чиқариш шароитида фермер хўжаликлари ва пахта-тўқимачилик кластери майдонларида жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг Республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги тадқиқот натижаларининг ишончлилигини тасдиқлайди.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, эгатлаб ва томчилатиб суғориш технологияларида сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллаб ғўза парваришланганда тупроқнинг агрофизикавий ва агрохимёвий хоссалари ўзгариши, ўсимликнинг сув истеъмоли ва озикани (NPK) ўзлаштириши, ўсиши-ривожланиши, қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлиги ва тола сифат кўрсаткичларига таъсири илмий жиҳатдан ўрганилиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида турли суғориш технологиялари ва сувда эрувчан ўғитлар билан ғўзани озиклантириш фермер хўжаликлари ва кластерлар майдонларида жорий этилиши ҳисобига сув ресурслари ва минерал ўғитлардан самарали фойдаланиш юқори бўлиши, ўсимликнинг сув-озика билан етарлича таъминланишига эришилиши, пировардида юқори ва сифатли пахта ҳосили олинганлиги ва иқтисодий самарадорликка эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлар шароитида эгатлаб ва томчилатиб суғориш технологиясида ўрта толали ғўзадан юқори ва сифатли пахта ҳосили етиштиришда сувда эрувчан ўғитларни қўллашни илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

«Ќўзани томчилатиб суғоришда сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллаш бўйича тавсиянома» ишлаб чиқилган ва тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 мартдаги 05/01-05/02-05/04-03-106-сон маълумотномаси). Ушбу тавсиянома томчилатиб суғориш жорий этилган фермер хўжаликлари ва агрокластерлар учун қўлланма сифатида хизмат қилмоқда;

турли суғориш технологияларида сувда эрувчан минерал ўғитларни қўллаш технологияси Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Мароқанд сифат текстил” агрокластерида томчилатиб суғориладиган 120 га, эгатлаб суғориладиган 10 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг 2024 йил 27 мартдаги 05/01-05/02-05/04-03-106-сон маълумотномаси). Натижада, эгатлаб суғоришда ғўзани сувда эрувчан минерал ўғитлар билан озиқлантирилганда, анъанавий ўғитлар қўлланилганга нисбатан 3,0-3,5 ц/га, томчилатиб суғоришда эса эгатлаб суғорилган сувда эрувчан ўғитлар қўлланилганга нисбатан 40-45 % сув тежалиб, 8-9 ц/га кўшимча пахта ҳосили олинган;

томчилатиб суғоришда сувда эрувчан ўғитларни қўллаш технологияси Наманган вилояти Поп тумани “ART Soft tex” агрокластерида 60 га, Тошкент вилояти, Бўка туманидаги “Шукурулло Ясмина агро” фермер хўжалигида 10 га, Бекобод туманида “Зафар тонги агро” фермер хўжалигида 12 га, “Барака агро ишонч” фермер хўжалигида 16 га, “Аброр Ихрор Асрор агро” фермер хўжалигида 21 га, Республика бўйича жами 239 га майдонда жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 27 мартдаги 05/01-05/02-05/04-03-106-сон маълумотномаси). Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан минерал ўғитларни ўсимлик осон ўзлаштирадиган шаклда қўлланилиши ҳисобига эгатлаб суғоришга нисбатан 40-45 % сув тежалиши, пахта ҳосили 5,2-6,1 ц/га ҳамда рентабеллик даражаси 24,1-27,3 % га ошишига эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала тажрибалари ҳар йили Қишлоқ хўжалигида билим ва инновациялар миллий маркази (ҚХБИММ), Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти махсус апробация комиссияси томонидан апробациядан ўтказилиб, ижобий баҳоланган. Тўпланган маълумотлар асосида тайёрланган илмий ҳисоботлар ҳар йили институтнинг Услубий ва Илмий кенгашларида муҳокама қилинган ҳамда илмий тадқиқот натижалари 1 марта республика ва 2 марта халқаро илмий-амалий конференцияларда маъруза қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 6 та маҳаллий ва 1 та хорижий журналларда, 1 та республика, 4 та халқаро ва 1 та хорижий илмий анжуман тўпламларида ҳамда 1 та тавсиянома нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг илмий ўрганилганлик даражаси, диссертация ишининг лойиҳа доирасида бажарилганлиги, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети, тадқиқотларда фойдаланилган усуллар ва услубий қўлланмалар, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий жиҳатдан олинган натижалар, натижаларнинг ишончлилиги, тадқиқотнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, апробациядан ўтказилганлиги, натижаларнинг эълон қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ѓўзани суғориш технологиялари ва минерал ўғитларни қўллаш бўйича маҳаллий ва хорижий тадқиқотлар шарҳи”** деб номланган биринчи бобида ғўзани эгатлаб ва томчилатиб суғориш, минерал ўғитлар билан озиклантириш бўйича Ўзбекистон ва хорижда ўтказилган тадқиқотлар шарҳи қиёсий таққосланган. Дунё бўйича томчилатиб суғориш 1960-йиллардан бошлаб секин асталик билан кенгайиб, фермерлар учун янги технология сифатида қабул қилинганлиги, ҳозирда дунё бўйича суғориладиган ерларда етиштириладиган ғўзанинг 12,47 % томчилатиб суғорилиши баён этилган. Томчилатиб суғоришда ўғитларни сувда эритиб қўллаш бўйича тадқиқотлар эса асосан сўнгги 20 йилликда амалга оширилганлиги келтирилган. Ўзбекистон сув тежовчи технологияларни жорий қилиш бўйича Марказий Осиёда 1-ўрин, МДХ давлатлари орасида 2-ўрин, Осиёда 4-ўрин, дунё бўйича 13-ўринни эгаллаб турганлиги қайд этилган. Ўзбекистонда томчилатиб суғориш жами 446,5 минг га, шу жумладан пахтада 253,3 минг га, диссертация тадқиқоти ўтказилган Самарқанд вилоятида эса 21,2 минг га пахта майдонларида томчилатиб суғориш жорий этилганлиги келтирилган. Томчилатиб суғориш Республикадаги сув тежовчи технологияларнинг 37 % ини ташкил этиши баён қилинган. Томчилатиб суғоришда ўғитларни сувда эритиб қўллаш бўйича Хитой, АҚШ, Ҳиндистон, Яқин шарқ ва бошқа кўплаб мамлакатларда 124 дан ортиқ тадқиқотлар ўтказилганлиги ва улардан олинган натижалар бўйича маълумотлар келтирилган. Ўзбекистонда ўғитларни сувда эритиб қўллаш бўйича М.Белоусов томонидан 1971-1973 йилларда вегетацион тажрибалар олиб борилиб, ўғитларни кичик меъёрларда (дробный) сувда эритиб қўллаш юқори самарали эканлиги ёритилган. Ҳозирги кунда, Ўзбекистонда томчилатиб суғоришда маҳаллий фосфорли ва калийли ўғитлар сувда эримаслиги туфайли 100% меъёрлари кузги шудгор остига қўлланилиши натижасида амал даврида бу элементларга ўсимликнинг талаби тўлиқ қонмаётганлиги таъкидланган. Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан ўғитларни қўллашнинг ғўзанинг сув истеъмоли ва ҳосилдорлигига таъсирини аниқлаш бўйича дала тажрибалари етарлича ўтказилмаганлиги, ушбу йўналишда илмий тадқиқотлар ўтказиш муҳимлиги хулоса қилинган.


Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотлар ўтказилган Самарқанд вилоятининг тупроқ-иклим шароитлари, йиллик об-ҳаво маълумотлари, тупроқнинг сувли сўрим таҳлиллари, сизот сувлари сатҳи ва минерализацияси, тадқиқот услубиёти ва тажриба тизими, ўрганилган ўрта толали С-8286 ғўза нави тавсифи, тадқиқотларда қўлланилган минерал ўғит турлари, сувда эрувчан ўғитлар, тажрибада ўтказилган агротадбирлар бўйича батафсил маълумотлар келтирилган.

Дала тажрибалари Самарқанд вилояти Иштихон тумани “Мароқанд сифат текстил” агрокалестерининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида 2021-2023 йилларда ўтказилган. Тажрибада ўрганилган эртапишар С-8286 ғўза нави 2023 йилда Самарқанд вилоятида 11 минг 533 га, Бухоро


вилоятида эса 2 минг 100 га, жами Республикада 13 минг 633 га да экилган.

Тадқиқотда тажриба тизими 8 та вариантдан иборат бўлиб, 1-4 вариантларда эгатлаб, 5-8 вариантларда эса томчилатиб суғориш технологияси қўлланилган. Чекланган дала нам сифимиға (ЧДНС) нисбатан суғориш олди тупроқ намликлари эгатлаб суғоришда 75-75-70%, томчилатиб суғоришда эса 75-75-75-70% ни ташкил этган. Тажрибада 2 хил минерал ўғит турлари, яъни анъанавий ва сувда эрувчан минерал ўғитлар ҳамда 2 хил минерал ўғит меъёрлари N₂₀₀, P₁₄₀, K₁₀₀ ва N₁₅₀, P₁₀₅, K₇₅ кг/га ўрганилган.

Тажриба ўтказилган йилларда иқлим кўрсаткичлари кескин фарқланмаганлиги, ёғингарчилик миқдори 2022 йилда энг юқори бўлганлиги, фойдали ҳарорат ўзлаштириши ойлар ва ривожланиш даврлари бўйича 1950-2300 °С гача бўлганлиги аниқланган (1-2-расмлар).



1-расм. Ҳаво ҳарорати ва нисбий намликнинг ўзаро боғлиқлиги (2021-2023 йй.)



2-расм. Ойлар бўйича фойдали ҳарорат ўзлаштирилиши, °С (2021-2023 йй.)

Сувда эрувчан ўғитлар амал даврида 7 маротаба, яъни ғўзанинг 2-4 чинбарг даврида 1 марта, шоналаш даврида 2 марта, гуллаш-ҳосил тўплаш даврида 4 марта қўлланилганлиги, ўғитлар таркиби фоизларда ва қўллаш меъёрлари соф ҳолда кг/га ҳисобида келтириб ўтилган (3-расм). Тадқиқотда қўлланилган барча минерал ўғит турлари бўйича маълумотлар диссертацияда келтирилган.



3-расм. Сувда эрувчан минерал ўғитларнинг (NPK) ғўзани ривожланиш давлари бўйича меъёрлари

Тажриба даласи тупроғининг агрокимёвий кўрсаткичларини аниқлаш учун амал даври боши ва охирида ҳамда фазалар бўйича ҳар бир вариантнинг 5 нуқтасидан конверт усулида 0-30 см ва 30-50 см тупроқ қатламларидан тупроқ намуналари олинган. Бу намуналарда умумий гумус миқдори И.В.Тюрин; умумий азот ва фосфор И.М.Мальцева, Л.Н.Гриценко; нитратли азот – ионометрик; ҳаракатчан фосфор Б.П.Мачигин ва алмашинувчи калий П.В.Протасов усулларида аниқланган. Ўсимлик намуналарида умумий азот, фосфор ва калий миқдорлари И.М.Мальцева ва Л.Н.Гриценко (модификацияси) усулларида аниқланган. Тажриба даласи тупроғининг механик таркиби М.П.Братчевнинг пипетка усулида ўрганилганда асосан оғир, ҳайдов ости қатламда ўрта механик таркибли тупроқ эканлиги аниқланган. Анион ва катионлар бўйича сувли сўрим таҳлиллари тупроқ шўрланмаганлигини кўрсатган. Сизот сувлари амал даври боши ва охирида минераллашмаганлиги аниқланган. Ҳар бир суғоришдан олдин ва кейин сизот сувлари сатҳи ўрганилган. Қисқа қатламни намлаб томчилатиб суғориш ўтказилганда сизот сувлари сатҳи кўтарилмаган.

Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндрлар ёрдамида Н.Качинский усулида, сув ўтказувчанлиги металл ҳалқалар ёрдамида В.Долгов усулида, чекланган дала нам сифими 2x2 метр майдончаларни сувга тўлдириш йўли билан, суғориш олди тупроқ намлиги термостат-тарози усулида аниқланган.

Суғориш олди тупроқ намликлари эгатлаб суғоришда гуллашгача 0-70 см, гуллаш – ҳосил тўплашда 0-100 см, пишиш даврида 0-70 см гача, томчилатиб суғоришда эса шоналашгача 0-30, шоналаш, гуллаш-ҳосил тўплаш ва пишиш даврларида 0-50 см қатламлардан аниқланган. Тупроқдаги намлик захираси баҳорда умумий фонда ва кузда суғориш технологиялари бўйича сизот сувлари сатҳигача тупроқ намуналари олиб аниқланган.

Суғориш вақтидаги сув сарфи (брутто-нетто) миқдорлари эгатлаб суғоришда остонаси 0,25 м ва 0,50 м кенгликдаги «Чипполетти», эгатдаги сув сарфини Томпсон (45°) сув ўлчагичларида аниқланган. Томчилатиб суғоришда сув ўлчагичлардан ўтган сув сарфига қараб ва томчилатгич шланглари остига 3 та нуқтага 1 литрлик маҳсус ўлчов бирликларига эга идишлар қўйиб, томчилатгичдан 1 соатда томчиллаган ўртача сув сарфи бўйича аниқланган.

Илмий изланишларни амалга оширишда тупроқнинг агрофизикавий, агрокимёвий таҳлиллари ва ўсимлик намуналари, фенологик кузатувлар, сув ҳисоблари ПСУЕАИТИ да қабул қилинган «Дала тажрибаларини ўтказиш услублари», «Методы агрохимических и агрофизических исследований в поливных хлопковых районах» услубий қўлланмаларидан фойдаланилиб, олинган маълумотларнинг ишончлилиги умумқабул қилинган Б.А.Доспеховнинг кўп омилли услуби орқали математик таҳлил қилинган.

Диссертациянинг **“Турли суғориш технологиялари ва минерал ўғит қўллашнинг тупроқ агрофизикавий ва агрокимёвий хусусиятларига таъсири”** деб номланган учинчи бобида тажриба даласи тупроғининг агрофизик хусусиятларидан ҳажм массаси ва ғоваклиги, сув ўтказувчанлиги,

чекланган дала нам сиғими (ЧДНС), тупроқнинг агрокимёвий хусусиятлари ва ғўзанинг озика моддаларини (NPK) ўзлаштириши тўғрисидаги маълумотлари келтирилган.

Тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги амал даври бошида умумий фонда аниқланганда, қатламлар бўйича 1,31 дан 1,39 г/см³ гача ўзгарган бўлса, амал даври охирида эгатлаб суғоришда ҳажм масса бирмунча кўпроқ 0,07-0,09 г/см³ гача, томчилатиб суғоришда эса 0,03-0,05 г/см³ га зичлашганлиги аниқланган. Бунда 50-70 ва 70-100 см қатламлар эгатлаб суғоришда 0,02 г/см³ га зичлашган бўлса, томчилатиб суғоришда бу қатламларда деярли ўзгариш бўлмаганлиги кузатилган. Ғоваклик кўрсаткичлари ҳажм массага тескари равишда ўзгариб бориши қонунияти такрорланган (1-жадвал).

Тажрибада тупроқнинг сув ўтказувчанлиги амал даври бошида жами 6 соатда 916,6 м³/га бўлиб, амал даври охирида эгатлаб суғоришда 106,9 м³/га га, томчилатиб суғоришда эса бироз камроқ, яъни 52,3 м³/га га камайган. Ҳажм масса ва сув ўтказувчанлик томчилатиб суғоришда яхшироқ сақланиши эгатлаб суғоришда сувни босим билан шимилиши, оқим ҳосил бўлиши ва суғориш меъёри юқорилиги билан изоҳланган. Тупроқнинг ЧДНС кўрсаткичлари аниқланганида қатламлар бўйича 22,1 дан 22,7 % гача бўлиб, суғоришлар ЧДНСга нисбатан олиб борилган.

1-жадвал

Тажриба даласи тупроғининг ҳажм массаси ва ғоваклиги (2022 й.)

Тупроқ қатламлари, см	Амал даври бошида		Амал даври охирида			
			Эгатлаб		Томчилатиб	
	г/см ³	%	г/см ³	%	г/см ³	%
0-10	1,20	55,58	1,36	49,81	1,30	51,95
10-20	1,22	54,86	1,37	49,42	1,31	51,55
20-30	1,32	51,11	1,41	47,95	1,34	50,51
30-40	1,39	48,55	1,43	47,19	1,40	48,15
40-50	1,40	48,17	1,43	47,15	1,41	47,83
50-60	1,41	47,93	1,43	47,17	1,41	47,89
60-70	1,39	48,53	1,41	47,91	1,39	48,41
70-80	1,38	49,07	1,40	48,21	1,39	48,58
80-90	1,39	48,58	1,41	47,70	1,39	48,66
90-100	1,40	48,19	1,41	47,75	1,40	48,19
0-50	1,31	51,76	1,40	48,30	1,35	50,00
50-70	1,40	48,40	1,42	47,54	1,40	48,15
70-100	1,39	48,70	1,41	47,89	1,39	48,43

Тажриба даласи тупроғининг дастлабки агрокимёвий тафсилотида кўра, нитратли азот билан жуда кам, ҳаракатчан фосфор билан ҳайдов қатламида кам, ҳайдов остки қатламда жуда кам, алмашинувчи калий билан ўрта ва кам даражада таъминланган. Амал даври охирида эгатлаб суғоришга нисбатан

томчилатиб суғорилган ва сувда эрувчан ўғитлар қўлланилганда дастлабки миқдорга нисбатан гумус 0,013%, умумий азот ва умумий фосфор 0,001% яхшироқ сақланганлиги аниқланган. Томчилатиб суғоришда ялпи шаклларда дастлабки кўрсаткичларга нисбатан катта ўзгариш кузатилмаганлиги, тупроқ унумдорлигини сақлаш имкони борлиги аниқланган.

Томчилатиб суғоришда қўлланилган сувда эрувчан ўғитларнинг самарадорлигини аниқлаш мақсадида қўшимча агрохимёвий таҳлиллар ўтказилган. Бунда турли суғориш технологияларида сувда эрувчан ўғитлар қўллашнинг ғўза органларидаги озика моддалар миқдorigа таъсири тадқиқ қилинган. Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан ўғитлар қўлланилганда (8-вариант), эгатлаб суғорилиб, анъанавий ўғитлар қўлланилган 2-вариантга нисбатан пишиш даврида ғўза органларида NPK миқдорлари пахта хом-ашёси таркибида N-0,06, P-0,07, K-0,14 % юқори тўпланганлиги аниқланган.


Тадқиқотда тупроқдан ғўзанинг озика моддаларини ўзлаштириши (вынос) ҳам ҳисобланган ва диссертацияда батафсил келтирилган. Бунда 2-вариант эгатлаб суғорилган анъанавий ўғит қўлланилганда ғўза N-218,3; P-81,4; K-174,4 кг/га ўзлаштирган бўлса, томчилатиб суғорилган сувда эрувчан ўғитлар қўлланилган 8-вариантда эса N-281,4 кг, P-112,4 кг ва K-237,8 кг/га олиб чиққан. Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан ўғитлар ўсимлик осон ўзлаштирадиган шаклда қўлланилиши ҳисобига ғўза N-63,1; P-31,0; K-63,4 кг/га озика моддаларини кўпроқ олиб чиққан. Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан ўғитларни ўсимлик ривожланиш фазалари бўйича кичик меъёрларда қўлланилганда, ғўзанинг амал даври давомида ўзлаштириладиган шаклдаги ҳаракатчан озикалар миқдори юқори бўлган.

Диссертациянинг “**Эгатлаб ва томчилатиб суғоришда ғўзани суғориш тартиби ҳамда сув истеъмоли**” деб номланган тўртинчи бобида, эгатлаб ва томчилатиб суғоришда суғориш олди тупроқ намлиги, ғўзани суғориш муддати, сони, тизими, давомийлиги, оралиғи ва меъёрлари ҳамда бир центнер пахта ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдори бўйича маълумотлар келтирилган. Томчилатиб ва эгатлаб суғориш технологияларида суғориш олди тупроқ намлиги кўрсаткичлари ўрганилганда, дастурда кўрсатилган намликлар билан фарқи 1,5-2,0 % орасида ўзгариб турганлиги ва ЧДНСга нисбатан намлик миқдори 69,38 дан 75,45 % гача бўлганлиги аниқланган.


Турли суғориш технологияларида суғориш муддатлари, сони, тизими, давомийлиги, суғориш меъёри ва мавсумий суғориш меъёрлари аниқланганида, эгатлаб суғоришда мавсум давомида 1-3-1 тизимда жами 5 марта суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 4882 м³ ни, суғориш давомийлиги 15 соатдан 20 соатгача, суғориш оралиғи 19 кундан 23 кунгача ўзгариб турганлиги аниқланган.

Томчилатиб суғориш технологиясида эса мавсум давомида 1-(2)3-5-2 тизимда 10-11 маротаба суғорилиб, мавсумий суғориш меъёри 2675 м³ ни ташкил этган. Суғориш давомийлиги 7 соатдан 11 соатгача, суғориш оралиғи 8 кундан 12 кунгача ўзгариб турганлиги аниқланган. Бунда эгатлаб суғоришга нисбатан томчилатиб суғоришда 45,2 % сув тежалганлиги аниқланган.

Суғоришда брутто миқдори 5672 м³/га, оқова 790 м³/га, оқова миқдори 14% дан ошмаганлиги кузатишган. Эгатлаб суғоришда суғориш меъёри 844-1050 м³/га, томчилатиб суғоришда эса суғориш меъёрлари кичик бўлиб, 225-250 м³/га гача ўзгариб турган (4-ва 5-расмлар).



4-расм. Эгатлаб суғоришда суғориш меъёрлари (2021-2023 йй)



5-расм. Томчилатиб суғоришда суғориш меъёрлари (2021-2023 йй)

Бир центнер пахта ҳосили етиштириш учун сарфланган сув миқдорининг энг кам миқдорлари томчилатиб суғорилганда сувда эрувчан ўғитлар қўлланилган 7- ва 8-вариантларда кузатишган (50,3 ва 54,5 м³/ц) бўлса, эгатлаб суғорилган, анъанавий ўғитлар трактор ёрдамида тупроққа қўлланилган 2-вариантда эса 118,8 м³/ц ни ташкил этган. Бунда сув миқдори томчилатиб суғоришда икки баравардан ҳам кам, яъни 64,3-68,5 м³/ц кам сув сарфланган. Томчилатиб суғоришда сувдан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлиши диссертацияда батафсил келтирилган.

Диссертациянинг “Турли суғориш технологияларида сувда эрувчан

Ўғитларни қўллашнинг ғўзани ўсиши-ривожланиши ва ҳосилдорлиги ҳамда тола сифатига таъсири” деб номланган бешинчи бобида ғўзанинг ўсиши-ривожланиши, ривожланиш даврлари ўтиш жадаллиги, кўчат қалинлиги, бир дона кўсакдаги пахта вазни, қуруқ масса тўплаши, ҳосилдорлик ва тола сифати батафсил тадқиқ қилинганлиги бўйича маълумотлар келтирилган.

Сентябрь ойидаги фенологик кузатувларда энг мақбул кўрсаткичлар томчилатиб суғорилган, сувда эрувчан ўғитлар қўлланилган 7-ва 8-вариантларда олинган. Бунда кўсақлар сони 11,3 ва 11,9 дона, назорат эгатлаб суғорилган ва анъанавий ўғитлар қўлланилган 2-вариантга нисбатан 1,5 ва 2,1 дона кўп бўлган. Кўсақларнинг очилиш даражаси 7-8-вариантларда 51,3-58,0 % бўлган бўлса, эгатлаб суғорилган, анъанавий ўғитлар қўлланилган 2-вариантга нисбатан 17-23 % га юқори бўлган. Томчилатиб суғоришда кўсақларнинг эрта муддатларда пишиб етилиши нафақат фенологик кузатувларда аниқланган, балки ўсимлик ривожланиш даврларининг ўтиш жадаллигида ҳам ушбу қонуниятлар яна бир бор исботланган. Бошланғич даврларда ғўза бир маромда ривожланиб, кейинчалик томчилатиб суғорилган ва сувда эрувчан ўғитлар қўлланилганда эгатлаб суғорилган ва анъанавий ўғит қўлланилганга нисбатан шоналаш даври 2-3 кунга, гуллаш-ҳосил тўплаш даври 4-5 кунга, пишиш даври 9-10 кунга тезлашгани аниқланган. Бунинг сабаби ғўза томчилатиб суғорилиб, сувда эрувчан ўғитлар ўсимлик осон ўзлаштирадиган шаклда қўлланилиши ҳисобига фазалар ўтиш жадаллиги тезлашгани кузатилган.

Бир дона кўсакдаги пахта вазни теримлар бўйича аниқланганда, томчилатиб суғорилган ва минерал ўғитлар камайтирилган $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га меъёрда қўлланилганда пахта вазни 1-теримда 6,1 г, ўртача 5,5 г бўлиб, эгатлаб суғорилиб, $N_{200}P_{105}K_{75}$ кг қўлланилган 2-вариантга нисбатан 0,7-0,9 г га, томчилатиб суғорилган анъанавий ўғитлар қўлланилган 5-вариантга нисбатан 0,6-0,8 г га юқори бўлганлиги кузатилган. Ўсимликнинг умумий қуруқ массаси эгатлаб суғорилганда юқори бўлган, лекин мақбул томчилатиб суғорилган 7-ва 8-вариантларда пахта вазни 49,4-54,6 г ни ташкил этиб, бу эгатлаб суғорилган 2-вариантга нисбатан 7,1-12,3 г га ва томчилатиб суғорилган ва анъанавий ўғитлар қўлланилган 5-ва 6-вариантларга нисбатан эса 7,5-9,3 г га юқори бўлиши аниқланган.

Ғўза ҳосилдорлигининг 3 йиллик кўрсаткичлари аниқланганда, энг юқори ҳосилдорлик томчилатиб суғорилган сувда эрувчан ўғитлар $N_{200} P_{140} K_{100}$ кг/га қўлланилган 8-вариантда 52,0 ц/га ни ташкил этган. Бу эгатлаб суғорилган анъанавий ўғитлар қўлланилган 2-вариантга нисбатан қўшимча 11,3 ц/га юқори ҳосил олишни таъминлаган. Томчилатиб суғоришда сувда эрувчан ўғитлар камайтирилган, яъни $N_{150}P_{105}K_{75}$ кг/га қўлланилган 7-вариантда ҳосилдорлик 48,3 ц/га, бу эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан қўшимча 7,6 ц/га, томчилатиб суғорилган ва анъанавий ўғитлар қўлланилган 5-вариантга нисбатан 6,6 ц/га га юқори ҳосил олишни таъминлаган. Эгатлаб суғоришда сувда эрувчан ўғитлар қўлланилганда эса анъанавий ўғитлашга нисбатан ҳосилдорлик 2,7-2,9 ц/га га ошганлиги аниқланган (2-жадвал).

Турли суғориш технологияларида сувда эрувчан ўғитларни қўллашнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири, ц/га (2021-2023 йй)

Вар. т/р	Суғориш технологиялари	Минерал ўғитлар меъёри, кг/га	2021 й	2022 й	2023 й	Ўртача
1	Эгатлаб	N-150, P-105, K-75 (анъанавий)	37,1	36,6	36,2	36,6
2		N-200, P-140, K-100 (анъанавий)	40,4	41,1	40,7	40,7
